



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI



TOSHKENT TIBBIYOT
AKADEMIYASI

ENDOKRINOLOGIYANING DOLZARB MUAMMOLARI:

Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari

TO'PLAMI



Toshkent - 2023

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ 2 ТИПДА ДИАБЕТИК ЭНЦЕФАЛОПАТИЯНИНГ КЛИНИК АСПЕКТЛАРИ

Шагазатова Б.Х, Кенжава Ю.Р., Кенжава Ф.Х.
Тошкент Тиббиёт Академияси

Мақсад: Қанли диабет 2 тип беморларда диабетик энцефалопатиянинг клиник аспектларини ўрганиш.

Материал ва усуллар: Текширувга Тошкент Тиббиёт Академияси 2 клиникаси Эндокринология бўлимида стационар даво олган қандли диабет 2 турли 26 та бемор олинди. Беморлар ўртacha ёши $57,2\pm2,09$, касаллик давомийлиги $9.38\pm1,23$ йил. Углевод алмашинувини текшириш учун барча bemorларда наҳорги ва овқатдан кейинги қондаги глюкоза, гликирланган гемоглобин аниқланди. Диабетик энцефалопатия клиник белгиларини аниқлаш учун bemorларда ЭЭГ, Допплерография, MMSE((Mini-Mental Scale Examination.) сўровномаси ва неврологик кўрик ўтказилди.

Текширув натижалари: Углевод алмашинувини аниқлаганда барча bemorларда ўртacha наҳорга 10.6 ммоль/л, 2 соатдан кейин 13.22ммоль/л, гликирланган гемоглобин ўртacha 7.9% эканлигини кўрсатди. Тана вазни индекси ўртacha 30.94 ± 0.68 га тенг. Беморлар ҳаёти давомида кузатилган гипо холатлар сони ойига ўртacha 2.0 ± 0.066 га тенглиги аниқланди. Когнитив бузилишлар ва деменция кўрсаткичлари MMSE сўровномаси натижаларига кўра ўртacha 26.47 ± 0.80 баллни ташкил этди. Ундан 13(50%) bemorда 30 балл(III даражада), 8(30%) bemorда 26 балл(II) даражада, 5(20%) bemorда 22балл (I)даражада дисциркулятор энцефалопатия аниқланди. 13(50%) та bemorда ЭЭГ текшируви ўтказилди; улардан 10(80%) та bemorда бош мия ичи гипертензияси, 3(10%) та bemorда норма кўрсаткичлари аниқланди. Бош мия қон томирлар Допплерографияси 13(50%)та bemorда ўтказилди. Уларнинг ҳаммасида уйқу артериялари (a.carotis) атеросклерози аниқланди. Неврологик кўрик ўтказилганда 26(100%) bemorларда дисциркулятор энцефалопатия белгилари аниқланди.

Хуноса: Натижалар шуни кўрсатдиги, қандли диабет 2 тур bemorларда MMSE((Mini-Mental Scale Examination.) сўровномасига кўра дисциркулятор энцефалопатия 13(50%) bemorда 30 балл(III даражада), 8(30%) bemorда 26 балл(II) даражада, 5(20%) bemorда 22балл (I)даражада аниқланди. ЭЭГ текширувига кўра 10(80%) та bemorда бош мия ичи гипертензияси аниқланди. Бош мия қон томирлар Допплерографияси 13(50%) та bemorда уйқу артериялари (a.carotis) атеросклерози аниқланди.